ТУРКИЯДА РЕСПУБЛИКАНИНГ ИЛК ЙИЛЛАРИДА ХОТИН-ҚИЗЛАРГА ДОИР СИЁСАТ

ШАДМАНОВА САНОБАР
Тарих фанлари доктори, профессор, ТошДШИ
ФАРҲОДБЕКОВА ЛАЙЛО
Талаба, ТошДШИ

Аннотация. *Мазкур мақолада XX аср бошларида Туркияда Республика тизими ўрнатилгандан кейин хотин-қизларга кўплаб ҳуқуқларнинг берилиши ва шу масалаларда олиб борилган ислоҳотлар масаласи ёритилган. Шунингдек, Мустафо Камол Отатуркнинг "Анадолу аёли" модели хақида маьлумотлар берилган.*

Таянч сўз ва иборалар: *Республика, Туркия, демократия, ривожланиш, хотин-қизлар, сайлов, ислоҳот, тенглик, таьлим.*

Аннотация. *В данной статье раскрываются предоставления прав женщинам после создания республиканской системы в Турции в начале XX века. Приведены также данные о модели Мустафы Кемаля Ататюрка «Anatoly ayoli».*

Опорные слова и выражения: *Республика, Турция, демократия, развитие, женщины, выборы, реформа, равенство, образование.*

Abstract. *This article describes the process of reshuffling women's rights and granting rights to women after the creation of a republican system in Turkey in the early 20th century. There has been given a model of Mustafa Kemal Ataturk «Anatoly ayoli».*

Keywords and expressions: *Republic, Turkey, democracy, development, women, election, reform, equality, education.*

XX аср бошларида Туркия тарихида муҳим ўзгаришлар юз берди. Мамлакатда Республика тизимининг ўрнатилиши, биринчи президент сифатида Мустафо Камол Отатуркнинг ҳокимият тепасига келиши ва кенг ислоҳотларнинг амалга оширилиши бунга яққол мисол бўла олади. Янги ҳукумат мамлакат ижтимоий ҳаётининг барча соҳаларида бўлгани сингари жамиятда хотин-қизлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва уларнинг тенг ҳуқуқлилигини таъминлаш борасида ҳам катта ислоҳотларни амалга оширди. Бу каби ислоҳотлар мамлакатнинг Республика даврида юритилган замонавийлаштириш сиёсати ичида катта "рамзий ва стратегик" аҳамиятга эга жараён сифатида баҳоланди[1].

Туркияда Республика тизими ўрнатилгандан кейин 1924 йил 20 апрелда мамлакатнинг янги ҳукумати илк Конституцияни қабул қилди. Ушбу конституцияга кўра, мамлакатда эркаклар ва хотин-қизларнинг ҳуқуқлари тенглаштирилди. Лекин бу даврда амалдаги асосий сиёсий куч "Мажалла"[2] бўлганлиги сабабли бу тенглик Конституция матнидагина сақланиб қолди. Республиканинг биринчи президенти Мустафо Камол Отатурк эркаклар ва хотин-қизларнинг тенг ҳуқуқли бўлишини таъминлашни мақсад қилган бўлса-да, бу мақсадга бирданига эриша олмаслигини биларди. Чунки эркаклар ва хотин-қизлар ўртасидаги тафовутни йўқ қилиш учун ҳукумат модернизация ғояларини тўлиқ қабул қилиши керак эди[3].

[1] Cemile Burcu Kartal. Türkiye'de kadınların siyasal haklarını kazanma süreci ve 1930 Belediye seçimleri. – Istanbul, 2005. – S. 77.

[2] Micelle-i-Ahkam-I Adlliye. Усмонийлар даврида 1869–1876 йиллар орасида Аҳмет Жавдетпошшонинг 14 кишилик ҳайъат томонидан тайёрланган ислом дунёсининг муҳим фуқаролик қонуни.

[3] Tarihimizde ve günümüzde türk kadınının Insan Hakları. Haziran, 2017; https://www.kolej.org/assets/files/extra/haziran-dergi.pdf

Мамлакатда аста-секинлик билан бошланган бу каби ҳаракатлар Туркия хотин-қизларининг ҳаётида аҳамиятли ўзгаришларни вужудга келтирди. Республика даврида хотин-қизлар ҳаётига таъсир қилувчи асосий ислоҳотлардан бири турк хотин-қизлари тенглигининг таъминланиши бўлди. Бундан ташқари, Туркия хотин-қизларининг 1926 йилда фуқаролик ҳуқуқлари, 1930 йилда эса сиёсий ҳуқуқлари ва 1934 йилда умумий сайловларда қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритишлари катта ютуқ бўлди. Бу каби ҳуқуқлар ҳокимият аъзолари томонидан мамлакатни ғарблаштириш ва маданиятлаштириш ғояларини амалга ошириш мақсадида тан олинган[1].

Янги ҳукумат турк хотин-қизларини ижтимоий ҳаётга олиб чиқишга, фаол хотин-қизлар қатламини шакллантиришга ҳаракат қилар экан, улар аёлларнинг энг муҳим вазифаларидан бири оналик эканлигини ҳам унутмади. Шунингдек, ҳукумат қиз болалар тарбиясида дин омили ҳеч қачон тўсиқ бўлмайди, деб ҳисоблади. Шу сабабдан президент Мустафо Камол Отатурк "Бизнинг дин ҳеч қачон хотин-қизларни эркаклардан орқада қолишини хоҳламаган. Эркак ва хотин-қизлар доимо илм излаши ва қаерда бўлса ҳам илм билан безанмоғи лозим", дея фикр билдирган[2]. Камолчилар аёллар ва республиканинг ёш авлод аёллари, бу ислоҳотлар демократик жамиятни ривожлантириши муқаррарлиги ва амалга оширилган ислоҳотлар турк хотин-қизларининг озодлигини таъминлашини таъкидлаган[3].

Камолчилар ҳукуматида барча ислоҳотларнинг асосини дунёвийлик ташкил этиши белгиланган. Шу сабабдан ҳукумат томонидан аёлларга қаратилган эътибор Республика тизимидаги янги Туркиянинг миллий характери сифатида майдонга чиқди. Аёллар ҳуқуқларининг чекланганлиги уларни ижтимоий соҳадан четлатиш буларнинг барчаси шариат даврининг ўзига хос кўрсаткичи эди, уларнинг қонуний жиҳатдан эркаклар билан тенгҳуқуқли бўлиши эса янги Республиканинг ўзига хослиги эди[4].

Туркияда гендер тадқиқотлари ва хотин-қизлар ҳуқуқларини ўрганишда етакчи тадқиқотчилардан бири Ширин Текели[5] фикрича, дунёвий давлатни ташкил қилиш даврида ислом жамияти ва қадриятларига қарши курашда аёллар ҳаракати катта аҳамият касб этган. Бундан ташқари, 1930 йилларда аёлларга қонуний тенг ҳуқуқли овоз беришнинг тан олиниши Отатурк партиясини ўша даврдаги Европа диктаторларидан фарқлаш учун бошланган аҳамиятли бир ташаббус сифатида баҳоланган.

Инсон ҳуқуқлари, айниқса, хотин-қизлар ҳуқуқлари бўйича чуқур изланишлар олиб бораётган тадқиқотчи доктор Зеҳра Арат[6] камолчиларнинг турк хотин-қизларига баъзи ҳуқуқларни берувчи ислоҳотларни амалга ошириши мамлакатни Ғарб типида ривожлантириш учун восита эканлигини таъкидлайди.

Камолчилар ислоҳотлар орқали исломий қарашлар ўрнига дунёвий ҳаёт, яъни ғарбий ғояларга асосланган ҳаётни жорий этишга киришганини кўриш мумкин. Шундай қилиб, Ғарбдан андоза олган Камолчилик турк хотин-қизларининг ҳаёт тарзини яхшилаш мақсадида Ғарбий жамият даражасига эришишга ҳаракат қилган.

Отатурк аёлларнинг жамиятдаги ўрнини оширишга ҳаракат қилар экан, "Анадолу аёли"ни модель сифатида кўрсатди. Отатурк

[1] Cemile Burcu Kartal. Türkiye'de kadınların siyasal haklarını kazanma süreci ve 1930 Belediye seçimleri. Istanbul, 2005. – S.77.

[2] Tarihimizde ve günümüzde türk kadınının Insan Hakları. Haziran, 2017; 13 https://www.kolej.org/assets/files/extra/haziran-dergi.pdf

[3] Cemile Burcu Kartal. Türkiye'de kadınların siyasal haklarını kazanma süreci ve 1930 Belediye seçimleri. – Istanbul, 2005. – S.78.

[4] Cemile Burcu Kartal. Türkiye'de kadınların siyasal haklarını kazanma süreci ve 1930 Belediye seçimleri. – Istanbul, 2005. – S.78.

[5] https://www.google.com/search?q=shirin+tekeli&rlz=1C1CYCH_ruUZ798UZ798&oq=shirin+tekeli&aqs=chrome..69i57.6170j0j7&sourceid=chrome&ie=UTF-8

[6] https://polisci.uconn.edu/person/zehra-arat/

аёлларга “Янги замонавий аёл”нинг Ғарб аёлларига тақлид этмаслиги ва иффатини сақлаган ҳолда кийиниши ҳақидаги қарашларни илгари сурди. 1925 йилда ишлаб чиқилган либослар тўғрисидаги қонунда эркаклар учун анъанавий кийимлар тақиқланди, аёлларга доир ҳеч қандай қоидалар ишлаб чиқилмади. Лекин Отатурк фикрига кўра, хотин-қизлар кийимлари ижтимоий аҳлоқ ва одобга зид бўлмаслиги керак эди[1].

Бундан ташқари, Отатурк томонидан таълим соҳасида амалга оширилган ислоҳотлар доираси хотин-қизлар таълим-тарбиясини ҳам қамраб олинди. 1922 йил март ойида Туркия Буюк Миллат Мажлиси махсус йиғилишида хотин-қизлар билан эркакларнинг таълим тизимидаги тафовутлари масаласига алоҳида аҳамият берилди. Натижада аёлларнинг таълимдаги иштироки кучайтирилди. Республиканинг илк йилларида қиз болалар таълим-тарбиясини яхшилаш мақсадида ҳуқуқий чоралар кўрилди. 1923 йилда қизлар учун бепул таълим жорий қилинди ва уларга мўлжалланган мактаблар сони кўпайтирилди. Давлат статистика институтининг маълумотларига қараганда, 1923–1930 йиллар орасида аёл ўқитувчи ва ўқувчилар сони кўпайганига қарамай, эркак ўқитувчи ва ўқувчилар сонига нисбатан уларнинг сони анча кам бўлганлиги кузатилади.

Шуни таъкидлаш мумкинки, янги ҳукумат хотин-қизлар билим ва бошқа соҳаларда ҳеч қачон эркаклардан ортда қолмаслиги тарафдори бўлган. АҚШнинг 1974 йил 21 августда таълим тизимида аёлларнинг тенглигини таъминлаш бўйича қабул қилган қонуни, Туркия тарихида ундан 50 йил олдин Мустафо Камол Отатурк томонидан 1924 йил 3 мартда таълимни бирлаштириш тўғрисидаги қонун билан тасдиқланганини кўриш мумкин. Ушбу қонун натижасида мамлакатда ёшларга замонавий таълим-тарбия бериш билан бирга, ўғил болалар ва қиз болаларнинг биргаликда таълим олиши белгиланди. Бундан ташқари, 1924 йил 20 апрелда Туркия Конституциясининг 87-моддасида қизлар учун бошланғич таълим мажбурий қилиб қўйилди[2].

“Теҳвид-и Тедрисат” қонуни билан мактабларни стандартлаштиришни назарда тутувчи қонун қабул қилинган бўлса-да, мамлакатда бу борада гендер фарқлар мавжуд эди. Жумладан, 1923–1924 йилларда ўғил болаларга мўлжалланган ўрта таълим мактаблари сони 72 та бўлса, қиз болалар учун бундай мактаблар умуман мавжуд эмас эди. 1927–1928 йилларда ўрта таълим мактабларида қиз ва ўғил болалар бирга ўқишни бошлаган. Лицейларда эса бу жараён 1934–1935 йилларда бошланган[3].

1924 йилда чиқарилган “Теҳвид-и Тедрисат” қонуни доирасида таълимнинг бир хил даражасини таъминлайдиган ва шу турдаги диплом беришни кўзда тутадиган дастур ишлаб чиқилди. Шунингдек, мактабларда ўқув дастурларининг айрим сабоқлари жинслар орасидаги фарқни кўрсатди. Жисмоний тарбия ва ҳарбий таълим фақат ўғил болалар учун, тикувчилик ва болаларни парвариш қилиш бўйича фанлар қизларга ўргатилди.

Республиканинг илк йилларида аёлларнинг ижтимоий мавқеида яна бир муҳим ўзгариш Фуқаролик кодексининг қабул қилиниши бўлди. Фуқаролик Кодекси бўйича дастлабки тадқиқотлар 1923 йилги сайловлардан сўнг, янги фуқаролар қонунини тартибга солувчи комиссия тузилиши билан бошланди. Комиссия Усмонлилар оила ҳуқуқи ва Мажаллага асосланган эски ҳуқуқий тизимни баъзи ўзгартиришлар ва янгиликлар киритиш билан ҳимоя қилди. Комиссия то-

[1] Cemile Burcu Kartal. Türkiye’de kadınların siyasal haklarını kazanma süreci ve 1930 Belediye seçimleri. – Istanbul, 2005. – S.81.

[2] Tarihimizde ve günümüzde türk kadınının Insan Hakları. Haziran 2017. 13https://www.kolej.org/assets/files/extra/haziran-dergi.pdf

[3] Cemile Burcu Kartal. Türkiye’de kadınların siyasal haklarını kazanma süreci ve 1930 Belediye seçimleri. Istanbul, 2005. – S. 85.

монидан тайёрланган қонун лойиҳаси кейинчалик Отатурк томонидан бекор қилинди ва Швейцария фуқаролик қонунига асосланган Туркия Фуқаролик кодекси тайёрланди. Янги кодекс 1926 йил 17 февралда қабул қилинган ва шу йили 4 октабрда кучга кирган. Фуқаролик кодексининг энг катта муваффақияти оила институтида давлат назоратини ўрнатиш ва кўпхотинликнинг тақиқланиши эди.

1926 йилда чиқарилган 788-сонли "Меҳнаткашлар тўғриси"даги низомнинг 6-моддасида аёлларнинг иш фаолиятини тартибга солувчи йўл-йўриқлар кўрсатилган. Қонунга кўра, турмушга чиққан аёллар давлат ходими бўлиши мумкин эди. Агар турмуш ўртоғи рухсат берса аёл давлат ҳокимиятининг барча органларида ишлаши қонуний ҳисобланарди. Шуни таъкидлаш керакки, аёллар учун барча соҳаларда ва лавозимларда тенг меҳнат қилишга рухсат берилмаган.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, XX асргача Туркияда хотин-қизлар ҳуқуқлари чекланганлигини кўришимиз мумкин. Жамиятда хотин-қизларнинг роли фақат қайноналик ва оналик ҳолатлари билан чекланган. Шу сабабдан жамиятнинг ҳар бир жабҳасида гендер роллари кучли бўлган.

XX асрда мамлакатда республика тизимининг ўрнатилиши натижасида ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг барча соҳаларида кенг қамровли ислоҳотлар олиб борилди. Мамлакатда Мустафо Камол Отатурк бошчилигида олиб борилган бу каби ислоҳотлар натижасида қуйидаги хулосаларни айтишга имкон беради:

Биринчидан, мамлакатда демократик жамият қуриш, тенглик концепциясини ривожлантириш ва аёлларнинг жамият ҳаётидаги аҳамиятини ошириш борасида катта ишлар амалга оширилди.

Иккинчидан, таълим соҳасида хотин-қизларнинг роли кучайтирилди. Қизларнинг билим олиши мажбурий эканлиги қонуний равишда расмийлаштирилди.

Учинчидан, хотин-қизларнинг фуқаролик ҳуқуқлари, сиёсий ҳуқуқлари ва сайловларда қатнашиш ҳуқуқларини қўлга киритишлари ёш республика ва турк хотин-қизларининг чинакам муваффақияти эди. Бу ислоҳотларнинг барчаси "хотин-қизларнинг инсоний ҳуқуқлари" тамойили асосида олиб борилди.

ИЛК ЎРТА АСРЛАРДА ТУРКИЙ ХАЛҚЛАР ШАҲАРЧИЛИК АНЪАНАЛАРИ

НАСРИТДИНОВА МУНИРА
Таянч докторант, ТошДШИ

Аннотация. *Мақола туркий халқлар яшаган қадимий ўлкаларда шаҳарлар ва шаҳарчилик турмуш-тарзи географияси манбалар ва илмий адабиётдаги бу ҳақдаги фикрлар турли-туманлиги таҳлилига бағишланган. Қадимият ва илк ўрта асрларда туркий халқларнинг хўжалик муносабатларида ўтроқ деҳқончилик, ҳунармандчилик тармоқларининг қадимий илдизларини асослашга ҳаракат қилинган.*

Таянч сўз ва иборалар: *Сюан Цзан, Оқ-Бешим, Чон-Кемин, Тун, Шуйкат, Шилжи, Кулон, Ашпара.*

Аннотация. *В настоящей статье на основе источников и данных научной литературы анализируется разнообразие мнений по вопросам географии городов и городского образа жизни в регионах с тюркским населением. Делается попытка обосновать исконные корни оседлых земледельческих и ремесленных хозяйственных отношений среди тюркских народов древности и раннего средневековья.*

Опорные слова и выражения: *Сюан Цзан, Ак-Бешим, Чон-Кемин, Тун, Шуйкат, Шилжи, Кулон, Ашпара.*